


“Тасдиқлайман”
“Ўзавиация” Агентлиги
директор ўринбосари


_____ О. Лим
30 _____ 2021 йил

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ РЕГЛАМЕНТИ

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги

1. Хизмат тавсифи (паспорт маълумотлари)

1.1. Хизмат тури

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш.

1.2. Хизмат натижаси

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари (ЎЗР АҚ-61) (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май) талабларига мувофиқ белгиланган.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланкаларни олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги “Авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш ва узайтириш” бўлими, “Ўзавиация” агентлигининг веб-сайти www://ovs.uzcaa.uz/ru/applicant, E-mail: vkk@uzcaa.uz

1.4. Ҳуқуқий асослар

1. Ҳаво кодексининг 49 моддаси
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари (ЎЗР АҚ-61) (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май)

1.5. Хизматни олувчилар

“Ўзавиация” агентлигига фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган жисмоний шахс.

1.6. Расмий сўров топшириш муддати

Белгиланмаган.

1.7. Расмий сўров топшириш муддатига риоя қилмаслик оқибатларини кўрсатиш

Қўлланилмайди.

1.8. Бажарилиш муддати

Ҳужжатларни қабул қилган кундан бошлаб ўн кундан ошмайдиган муддатда

1.9. Тасдиқ бериш муддати

Тегишли қарорни қабул қилинган санадан эътиборан уч иш кундан кечиктирмай.

2. Хизмат олувчиларга маълумот бериш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат қилган ҳар қандай шахсга фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш тартиби ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш, шу жумладан “Ўзавиация” агентлигининг расмий веб-сайтидан www.uzcaa.uz зарур бўлган ҳужжатларни юклаб олиш имконияти кафолатланади.

2.2. Кенг қамровли маълумот

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш тартиби ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш “Ўзавиация” агентлигининг расмий веб-сайти www.uzcaa.uz орқали амалга оширилади.

2.3. Расмий сўров бериш бўйича маълумот

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш тартиби ҳақидаги оғзаки маълумотларни соат 9-00 дан 18-00 гача 71-254-76-98 телефон рақамлар орқали тақдим этилади.

Ёзма равишдаги расмий сўровномаларни қабул қилиш, расмий сўровномалар бўйича ёзма ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш соат 9-00 дан 18-00 гача 71-254-14-82 сонли факс орқали Агентлик девонхонасида амалга оширилади.

Ёзма равишдаги сўровномаларни caa@uzcaa.uz ёки vkk@uzcaa.uz электрон почтаси орқали қабул қилинади.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот

Агентлик манзили: 100015, Тошкент ш., Нукус кўчаси 73-б.
Ориентир – Миробод деҳқон бозори.

2.5. Хужжатлардаги фойдаланиладиган бланклар (шакллар)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш
Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари (ЎзР АҚ-61) (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май) талабларига мувофиқ белгиланган.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Агентлик иш вақти шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари, ҳар куни соат 9-00 дан 18-00 гача

3.2. Кутиш шартлари

Қўлланилмайди

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш
Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари (ЎзР АҚ-61) (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май) талабларига мувофиқ ҳужжатларни тақдим этади.

4.2. Хизмат тўловлари

Хизмат бепул

4.3. Давлат хизматларини кўрсатиш бошқичлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш тартиби қуйидаги бошқичлардан иборат:

1. “Ўзавиация” агентлиги ҳужжатларни қабул қилган кундан бошлаб ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади. Кўриб чиқиш жараёнида ҳужжатлар белгиланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари (ЎзР АҚ-61) (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май) талабларига, шунингдек, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) халқаро стандартлари ва тавсия этилган амалиёт талабларига мувофиқлиги бўйича экспертиза ўтказилади.

2. Ўтказилган экспертиза натижаларига кўра фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш учун аризачиларни назарий билимлари текширувидан ўтишлари ёки рад этилганлиги туғрисида қарорни қабул қилади.

3. Аризачиларнинг назарий билимлари ўрнатилган тартибда текширувдан ўтказилади.
4. “Ўзавиация” агентлигининг мутахассиси аризачиларнинг назарий билимлари текширувлари натижасида ҳужжатни тақдим этади ёки ҳужжатни тақдим этишни рад этилганлиги тўғрисидаги хулосани расмийлаштиради.
- 5 “Ўзавиация” агентлиги тегишли қарорни қабул қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш ёки уни бериш рад этилганлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.

4.4. Давлат хизматларини кўрсатишни ички идоравий тартиби

“Ўзавиация” агентлик девонхонасида аризани қабул қилиш → аризани “Ўзавиация” агентлик директори ўринбосарига виза қўйилиши учун бериш → аризани “Ўзавиация” агентлигининг “Авиация ходимларига гувоҳномаларни бериш ва узайтириш” бўлимига бериш → Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари (ЎзР АҚ-61) (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май) асосида аризани кўриб чиқиш → Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш ёки уни бериш рад этилганлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.

4.5. Рад этиш асослари

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш рад этиш учун асослари қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин:

- тақдим этилган ҳужжатни экспертизадан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг аризачи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;
- аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки ишончсиз маълумотлар мавжудлиги;
- аризачининг назарий билимлари белгиланган талаблардан паст бўлган тартибда;
- рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан такроран тақдим этилганлиги.

5. Сифатини таъминлаш

5.1. Сифат турлари

Таалуқли эмас.

5.2. Сифатсиз хизматдан сабабли шикоят аризасини бериш

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномаларни бериш рад этилганлиги, шунингдек “Ўзавиация” агентлиги мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда қуйидагилар орқали шикоят қилиш мумкин:

- шахсий мурожат;
- ёзма равишда (хат);
- электрон почта.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига
гувоҳномаларни бериш
Давлат хизматини тақдим қилиш схемаси

